

Польша

www.pkn.pl

www.pcbc.gov.pl

сайтлар материаллари асосида

Стандартлаштириш

Стандартлаштириш бўйича Польша қўмитаси (РКН) Польшанинг стандартлаштириш бўйича давлат бўлинмаси ва миллий органи ҳисобланади.

РКН нинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро савдода техник тўсиқларни бартараф қилиш мақсадида европа ва халқаро стандартлар билан Польша стандартлари фондини уйғунлаштириш.
2. Европа ва халқаро стандартлаштиришда фаол иштирок этиш.

Стандартлаштириш тизими Стандартлаштириш бўйича кенгаш- РКН консультатив органи томонидан қўллаб қувватланади.

Польшада Польша Стандарти (Polska Norma – PN) миллий стандарт ҳисобланади. Бундан ташқари, РКН томонидан ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва татбиқ этиладиган бошқа миллий норматив ҳужжатлар бор.

PN ихтиёрий фойдаланиш учун техник ҳужжат ҳисобланади.

Стандартлар лойиҳалари, РКН президенти томонидан ташкил этилган Техник қўмиталардаги (Komitety Techniczne – КТ) консенсус принци бўйича барча манфаатдор томонлар экспертлари томонидан ишлаб чиқилади.

Стандартлаштириш бўйича миллий фаолликнинг қонунлари ва тартиб-тамоиллари европа стандартлаштириш тизимига тўлиқ мувофиқ келади. .

РКН фаолияти шўъбалари:

- Электроника
- Қурилиш ва қурилиш конструкциялари
- Кимё
- Электр
- Электротехника
- Тоғ-кон саноати
- Metallургия
- Истеъмол маҳсулотлари
- Логистика, транспорт, ўров-идиш
- Машиналар ва инженерия
- Нанотехнологиялар ва инновациялар
- Мудофаа ва умумий хавфсизлик
- Бошқарувнинг асосий муаммолари ва тизимлари
- Озиқ-овқат, деҳқончилик ва ўрмончилик
- Ахборот ва коммуникацион техникалар
- Хизматлар
- Соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит ва тиббиёт

Мувофиқликни баҳолаш

2002 йил 30 августдаги мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги қонун (№ 166 пол. 1360) Польшада 2003 йилнинг 1 январидан амалга киритилган.

Қонуннинг мақсадлари қуйидагилар:

- фойдаланувчилар ва истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки саломатлиги учун, шунингдек мол-мулк ёки атроф-муҳит учун маҳсулотлар хавфини бартараф этиш
- савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш ва халқаро савдога ёрдам бериш
- лаёқатли ва мустақил органлар томонидан маҳсулотни ишончли баҳолаш ва уни ишлаб чиқариш жараёнлари учун шароитлар яратиш. Тиббиёт асбоб-ускуналаридан ташқари.

Қонун қуйидагиларни белгилайди:

- правила функционирования системы оценки соответствия основным и специфическим требованиям к продукции (за исключением медицинских приборов);
- маҳсулотларга (тиббиёт асбоб-ускуналаридан ташқари) доир асосий ва специфик талаблар бўйича мувофиқликни баҳолаш тизимининг ишлаш қонунлари;
- рухсат бериш ва аккредитлаш қонунлари ва тартиб-таомиллари;
- Европа Комиссияси ва ЕИ аъзо давлатлардаги ваколатли органлар ва лабораторияларни хабардор қилиш;
- аккредитлаш бўйича Польша Марказининг вазифалари;
- бозорга жойлаштирилган маҳсулотларни текшириш тизимини ишлаш принциплари ва шу масалалар бўйича лаёқатли органлар (бозорларни назорат қилиш).

Маҳсулотларни бозорга жойлаштириш ва қурилишда фойдаланиш қоидалари алоҳида қоидаларни белгилайди (Қурилиш тўғрисидаги қонун ва қонунни бажариш бўйича кўрсатма).

Ушбу қонунга биноан, мувофиқликни баҳолаш тизимининг шакллари қуйидагилардир:

- маҳсулотга доир асосий ва специфик талаблар тўғрисида қоидалар,
- мувофиқликни баҳолаш жараёнида иштирок этувчи органларнинг ишлаш қоидалари ва нормалари.

Бозорга жойлаштирилган товарларни текшириш тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

- товарларни асосий талабларга мувофиқлиги бўйича текширув,
- асосий талабларга жавоб бермайдиган товарлар айланиши бўйича саволларни кўриб чиқиш,
- бозорга жойлаштирилган товарларни назорат қилиш тизимларининг мониторинги.

Польшада мувофиқликни баҳолашнинг ихтиёрий соҳасига қуйидагилар киради:

- Хужжатлар низомига мувофиқлик сертификати
- PN мувофиқлиги бўйича тамғалаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома
- Экологик тамғасини қўйиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома
- „Q“ сифат белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома
- СВ ва Ех сертификати (МЭК нашрларининг талаблари)
- Фойдаланиш хавфсизлиги белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома (турли корпоратив белгилар)
- Keutmark – европа стандартларига мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома

Польшада мажбурий талабларнинг икки тури мавжуд:

- Янги ёндашув директиваларида белгиланган, сотиш учун мўлжалланган товар мувофиқ бўлиши керак бўлган асосий талаблар (мувофиқликни баҳолаш қоидалари ва тартиб-таомиллари, товарларни синаш усуллари ва тамғалаш йўллари мувофиқ вазирлик белгилайди).
- ЕИ нинг бошқа қонунлаштирувчи ҳужжатларида белгиланган, сотиш учун мўлжалланган товар мувофиқ бўлиши керак бўлган – специфик талаблар (хавф-хатар келтирадиган ёки ҳаёт, соғлиқ, мулк, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш учун хизмат қиладиган маҳсулотларга доир регламентларни мувофиқ вазирлик белгилайди).

Маҳсулотни сертификатлаштириш

Синов ва сертификатлаштириш бўйича Польша маркази РСВС, қуйидаги директивалар бўйича Европа комиссияси томонидан берилган, 1434 – сонли билдиришнома билан ваколатли орган сифатида иштирок этади:

2006/95/ЕС	Электротехник жиҳозлар
2004/108/ЕС	Электромагнит мослик
88/378/ЕЕС	Ўйинчоқларнинг хавфсизлиги
89/106/ЕЕС	Қурилиш материаллари (айрим материаллар учун)
2006/42/ЕС	Жиҳозлар (маълум машиналар учун)
94/25/ЕС	Сайр қилиш кемалари
90/385/ЕЕС	Фаол имплантация қилинувчи тиббиёт мосламалари
93/42/ЕЕС	Тиббиёт асбоблари
98/79/ЕС	Лаборатория диагностика тиббиёт асбоблари
1996/97/ЕС	Маиший электр совутгичлари, музлатгичлари ва уларнинг комбинациялари учун талабнинг энергетик самарадорлиги
1999/5/ЕС	Радио ва телекоммуникацион терминал жиҳозлари

PCBC шунингдек ихтиёрий сертификатлаштириш соҳасида ҳам хизматлар кўрсатади ва қуйидаги сертификатларни беради:

- стандартга мувофиқлик бўйича сертификатлар
- спецификация ёки бошқа ҳужжатлар
- маҳсулотни тамғалаш учун ҳуқуқ берадиган сертификатлар (В хавфсизлик белгиси, Q сифат белгиси, экологик белги, PN стандартларига мувофиқлик белгиси)
- BRC сертификатлари (Польша синови ва сертификатлаштириш маркази BRC нинг ваколатли органи ҳисобланади).

British Retail Consortium (BRC) – Британия чакана савдо консорциуми 1998 йилда чакана савдога фирма озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи корхоналар учун BRC техник стандарти ва баённомасини ишлаб чиқди ва тақдим этди. Стандарт, чакана савдога фирма озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи компанияларнинг аудити учун умумий асосни тақдим этиб, чакана савдога ўз ҳуқуқий мажбуриятларини бажаришда ва истеъмолчиларни ҳимоя қилишда ёрдам бериш учун ишлаб чиқилди.

Маҳсулотни сертификатлаштириш тартиб-таомили қуйидаги босқичлардан иборат:

- Ҳужжатлар билан сўровнома ва етказиб берувчининг анкетаси
- Ҳужжатлар, сўровнома ва маҳсулотни олдиндан баҳолаш
- Сўровномани рўйхатдан ўтказиш, сертификатлаштириш тўғрисидаги шартнома
- Етказиб берувчида техник ва ташкилий шартларни текшириш
- Йиғилган материал, шунингдек маҳсулотларни кўриб чиқиш ва баҳолаш
- Тармоқлараро Техник Қўмитанинг қарори
- Сертификат бериш (беришни рад этиш)
- Сертификатлаштирилган маҳсулотни сертификатлаштириш органи томонидан назорат қилиниши

Польша стандартларига мувофиқлик белгиси



Польшада маҳсулотни тамғалаш белгиси



Сифат белгиси



Экологик белги



Табиий маҳсулот



Табий маҳсулот



Эко-белги



Ишлаб чиқаришни текшириш PNa мувофиқлик белгиси ЕИ ўғит белгиси



Географик идентификация



келиб чиқиш белгиси



Кафолатланган анъанавий хусусият



BRC белгиси



Сифат кафолати